*Ишлаб чиқариш жараёнида сув ва 96% концентрацияли этанол буғланиб кетадиг ва яқуний маҳсулотда мавжуд бўлмайди.

Таърифи: думалоқ шаклли, икки томонлама қаварик, қизил рангли плёнка қобик билан қопланган (9 мм атрофида), бир томонида "Т7S" ёзуви ва иккинчи томони силлиқ бўлган таблеткалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Простата безининг хавфсиз гиперплазиясини даволаш учун восита.

АТХ коди: G04CA53

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Таъсир механизми

Омаренс Дуал ўрнатилган доза билан, таркибида иккита фаол модда сақлайди: солифенацин ва тамсулозин бўлган, таблетка кўринишидаги мажмуавий препаратдир. Икки препарат ҳам ПБХГ туфайли вужудга келган пастки сийдик чиқариш йўлларидаги симптомларни даволашда мустақил ва ўзаро тўлдирувчи таъсир механизмга эга.

Солифенацин мускаринли рецепторларнинг рақобатли ва селектив ингибитори ҳисобланади ва бошқа турли синалган рецепторларга, ферментларга ва ион каналларига тегишли ўхшашлиги йўқ. Солифенацин мускаринли М3 рецепторларга нисбатан энг юқори ўхшашликка ва мускаринли М1- ва М2 рецепторларга нисбатан камроқ ўхшашликка эга.

Тамсулозин альфа-адренорецепторнинг (АР) антагонисти ҳисобланади. У постсинаптик альфа1-АР, хусусан альфа 1А ва альфа1D кичик турлари билан танлаб ва рақобатли боғланади, ва пастки сийдик чиқариш йўлларидаги кучли антагонист ҳисобланади.

Фармакодинамик таъсирлари

Омаренс Дуал таблеткалари ПБХГ туфайли вужудга келган қовуқ тўлдирилиши симптомларини даволашга мўлжалланган мустақил ва ўзаро тўлдирувчи таъсирга эга бўлган иккита фаол моддадан иборат:

солифенацин қовуқда М3-рецепторларни фаоллаштирувчи, нонейронал ацетилхолин билан

боғлиқ енгиллаштиради. Нонейронал ажралиб чиққадиган ацетилхолин уротелиал сенсорли функцияни барқарорлаштиради ва шошилиш сийдик чақаришда ва сийдик чиқаришнинг юқори тез-тезлигида намоиш бўлади.

Тамсулозин простата бези, сийдик қопини бўйни ва уретранинг силлиқ мушакларини бўшаштириш йўли билан обструкцияни камайтириб, сийдик чиқариш симптомларини яхшилади (сийдик оқимининг максимал тезлигини оширади). У шунингдек, тўлдирилиш симптомларини яхшилади.

Клиник самарадорлиги ва хавфсизлиги

3-фазанинг базавий тадқиқотида сийдик чиқариш (обструктив) симптомлари билан ПБХГ туфайли вужудга келган ПСЙС бўлган пациентларда тўлдирилиш симптомларининг камида қуйидаги даражаси (кўзгатувчи) билан самарадорлигини намоиш этилган: ≥ 8 сийиш/24 соат ва $\geq$ шошилиш сийдик чақаришнинг 2 эпизоди/24 соат.

Плацебога қараганда солифенацин+тамсулозин асосий натижаларнинг иккита гуруҳи бўйича, простата бези касалликларини халқаро баҳолаш тизимининг (IPSS) умумий кўрсаткичи бўйича ва шошилиш сийдик чақаришнинг умумий кўрсаткичи ва сийиш тез-тезлиги бўйича, ҳамда шошилиш сийдик чақаришнинг иккиламчи кўрсаткичларининг натижалари ва сийиш тез-тезлиги бўйича, бир сийишда сийдикнинг ўртача ҳажми, тунги чақирувлар бўйича, IPSS бўйича сийдик чиқаришнинг оралиқ кўрсаткичи, IPSS бўйича тўлдирилишнинг оралиқ кўрсаткичи, IPSS бўйича турмуш сифати (ТС), қовуқ гиперфаоллиги ифодаланишини баҳолаш сўровномаси ва оралиқ кўрсаткичларни (енгиш, хавотир, уйқу ва ижтимоий кўрсаткич) қамраб олган қовуқ гиперфаоллиги ифодаланишини баҳолаш сўровномаси туфайли вужудга келган турмуш сифати кўрсаткичи бўйича солифенацин+тамсулозин тадқиқотнинг бошланғич нуқтасидан охиригача статистик янада аҳамиятли яхшиланишни намоиш қилди. Шошилиш чақирувлар ва тез-тезлигининг суммар кўрсаткичи ҳамда сийиш тез-тезлиги, бир сийишда ўртача сийдик ҳажми ва IPSS бўйича тўлдирилишнинг оралиқ кўрсаткичи бўйича солифенацин+тамсулозин тамсулозин ОКАС га қараганда аҳамиятли яхшиланишни кўрсатган. Барча оралиқ кўрсаткичларни қамраб олган қовуқ гиперфаоллиги ифодаланишини баҳолаш сўровномасининг маълумотларига кўра, бу IPSS бўйича ТС ва соғлиқ ҳолатидан келиб чиққан ТС умумий кўрсаткичининг аҳамиятли яхшиланиши билан кузатилган. Бундан ташқари, кутилганидек, IPSS умумий кўрсаткичи бўйича солифенацин+тамсулозин тамсулозин ОКАС дан ортда қолмаган ($p < 0,001$).

Фармакокинетикаси

Қуйида келтирилган ахборот солифенацин+тамсулозин (6 мг/0,4 мг) кўп маротаба қабул қилингандан кейинги фармакокинетик параметрларни ифода этади. Кўп маротаба қабул қилинганда нисбий биокираолишлигининг тадқиқоти солифенацин+тамсулозинни (6 мг/0,4 мг) қабул қилиш худди шу дозада солифенацин ва тамсулозин ОКАС алоҳида таблеткаларини бир вақтда қабул қилишга қиёсланадиган таъсирга олиб келишини кўрсатган.

Сўрилиши

Солифенацин+тамсулозин (6 мг/0,4 мг) кўп маротаба қабул қилингандан кейин солифенацин учун t_{max} максимал концентрациясига эришиш вақти турли тадқиқотларда 4,27 дан 4,76 соатгача бўлган; тамсулозин учун t_{max} 3,47 дан 5,65 соатгача ўзгариб турган. Тегишли C_{max} қийматлари солифенацин учун 26,5 дан 32,0 нг/мл гача ўзгариб турган, шу ўринда тамсулозин учун C_{max} қийматлари 6,56 дан 13,3 нг/мл гача ўзгариб турган. AUC қийматлари солифенацин учун 528 дан 601 нг·ч/мл гача, тамсулозин учун эса — 97,1 дан 222 нг·ч/мл гача ўзгариб турган. Солифенациннинг мутлоқ биокираолишлиги тахминан 90%ни ташкил қилади, шу ўринда, баҳолашларга кўра, тамсулозин 70-79%га сўрилади.

Тақсимланиши

Солифенацин+тамсулозин (6 мг/0,4 мг) оч қоринга, ёғ таркиби паст бўлган паст калорияли нонуштадан кейин ва ёғ таркиби юқори бўлган юқори калорияли нонуштадан кейин қабул қилинганда, овқатни бир марталик дозага бўлган таъсири ўрганилган. Ёғ таркиби юқори

бўлган юқори калорияли овқат қабул қилинганда оч қоринга қабул қилинишига қараганда тамсулозин компоненти учун C_{max} нинг 54%-ли ошиши кузатилган, шу ўринда AUC 33% га ошган. Ёғ таркиби паст бўлган паст калорияли нонушта тамсулозиннинг фармакокинетикасига таъсир кўрсатмаган. Солифенацин компонентининг фармакокинетикасига ёғ таркиби паст бўлган паст калорияли нонушта ҳам, ёғ таркиби юқори бўлган юқори калорияли нонушта ҳам таъсир кўрсатмаган.

Биотрансформацияси

Солифенацин ва тамсулозин ОКАС ни бир вақтда қабул қилиниши монотерапияда қабул қилинадиган тамсулозин ОКАС таблеткаларининг AUC ига қараганда тамсулозин C_{max} ини 1,9 баробарга ошишига ва AUC ини 1,24 баробарга олиб келган. Солифенацин фармакокинетикасига тамсулозин таъсир қилишининг ҳеч қандай белгилари қайд этилмаган.

Чиқарилиши

Солифенацин+тамсулозин (6мг/0,4 мг) бир марта қабул қилингандан кейин, солифенацин $t_{1/2}$ си 49,5 дан 53,0 соатгача, тамсулозинники эса — 12,8 дан 14,0 соатгача ўзгариб турган. Пропорционаллик (нопропорционаллик).

Кунига 1 марта 240 мг верапамил бир вақтда солифенацин+тамсулозин (6 мг/0,4 мг) билан бирга қабул қилинганда, солифенацин учун C_{max} ни 60% га ошиши ва AUC ни 63% га ошиши кузатилган, шу ўринда тамсулозин учун C_{max} ни 115%га ва AUC ни 122% га ошиши кузатилган. C_{max} ва AUC нинг ушбу ўзгаришлари клиник аҳамиятли ҳисобланмайди.

Фармакокинетик-фармакодинамик қарамлиги.

3-фаза тадқиқоти маълумотларининг популяцион фармакокинетик таҳлилини кўрсатишича, тамсулозиннинг индивидуал аро фармакокинетик ўзгарувчанлиги ёшдаги, бўйдаги ва плазмада α_1 нордон гликопротеин концентрацияларидаги фарқларга боғлиқ бўлган. Ёшнинг ошиши ва α_1 нордон гликопротеин концентрациясини ошиши AUC нинг ошишига боғлиқ бўлган, шу ўринда бўйнинг ўсиши AUC нинг пасайишига боғлиқ бўлган. Худди шу омиллар солифенацин фармакокинетикасида ҳам шунга ўхшаш ўзгаришларга олиб келган. Бундан ташқари, гамма-глутамилтранспептидаза даражасини ошиши AUC нинг янада юқори қийматларига боғлиқ бўлган. AUC даги ушбу ўзгаришлар клиник аҳамиятли ҳисобланмайди.

Монопрепаратлар сифатида қўлланиладиган алоҳида фаол моддалар тўғрисидаги ахборот солифенацин+тамсулозиннинг (6 мг/0,4 мг) фармакокинетик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни тўлдиради.

Солифенацин

Сўрилиши

Солифенацин таблеткалари учун t_{max} дозага боғлиқ бўлмайди ва препарат кўп маротаба қабул қилингандан кейин 3-8 соатдан сўнг содир бўлади. C_{max} ва AUC қийматлари дозага мутаносиб равишда 5 дан 40 мг гача ошади. Мутлоқ биокираолишлиги тахминан 90% ни ташкил қилади.

Тақсимланиши

Вена ичига юборилгандан сўнг солифенациннинг зохирий тақсимланиш ҳажми тахминан 600 л ни ташкил этади. Тахминан 98% солифенацин плазма оксиллари, асосан α_1 -нордон гликопротеин билан боғланади.

Биотрансформацияси

Солифенацин биринчи чиқишда паст самара билан секин метаболизмга учрайди. Солифенацин жигарда, асосан CYP3A4 изоферменти билан аҳамиятли даражада метаболизмга учрайди. Бироқ, солифенацин метаболизмга ёрдам берувчи муқобил метаболит йўллар мавжуд. Солифенациннинг тизимли клиренси тахминан 9,5 л/с ни ташкил қилади. Препарат перорал қабул қилингандан кейин плазмада, солифенациндан ташқари, битта фармакологик фаол (4R-гидроксисолифенацин) ва учта нофаол (солифенацин N-глюкурониди, N-оксиди ва 4R-гидроксил-N-оксиди) метаболит аниқланган.

Чиқарилиши

10 мг [14C-нишонли] солифенацинбир марта қабул қилингандан кейин 26 кун давомида сийдикда тахминан 70% ва ахлатда 23% радиоактивлик аниқланган. Сийдикда тахминан 11% радиоактивлик ўзгармас фаол модда кўринишида аниқланган; тахминан 18% N-оксид метаболити кўринишида, 9% 4R-гидрокси-N-оксид метаболити кўринишида ва 8% 4R-гидрокси (фаол метаболит) кўринишида.

Тамсулозин

Сўрилиши

Тамсулозин ОКАС учун t_{max} 0,4 мг/кун дозада кўп мартаба қабул қилингандан кейин 4-6 соат ўтиб содир бўлади. C_{max} ва AUC қийматлари дозага мутаносиб равишда 0,4 дан 1,2 мг гача ошади. Мутлоқ биокираолишлиги тахминан 57% ни ташкил қилади.

Тақсимланиши

Вена ичига юборилгандан сўнг тамсулозиннинг тақсимланиш ҳажми тахминан 16 л ни ташкил этади. Тахминан 99% тамсулозин плазма оксиллари, асосан α 1-нордон гликопротеин билан боғланади.

Биотрансформацияси

Тамсулозин биринчи чиқишда паст самара билан секин метаболизмга учрайди. Тамсулозин жигарда, асосан CYP3A4 ва CYP2D6 изоферментлари билан аҳамиятли даражада метаболизмга учрайди. Тамсулозиннинг умумий клиренси тахминан 2,9 л/с ни ташкил қилади. Тамсулозиннинг кўпроқ қисми қон плазмасида ўзгармас фаол модда шаклида туради. Дастлабки моддага қараганда метаболитларнинг ҳеч бири янада фаол ҳисобланмайди.

Чиқарилиши

0,2 мг [14C-нишонланган] тамсулозин бир марта қабул қилингандан сўнг 1 ҳафтадан кейин радиоактивликнинг 76% сийдик билан ва 21% ахлат билан чиқарилган. Сийдикда радиоактивликнинг тахминан 9% ўзгармас тамсулозин кўринишида; қарийиб 16% о-деэтилланган тамсулозин сульфати кўринишида ва 8% кусус кислотасининг о-этоксифенокси кўринишида аниқланган.

Алоҳида тоифадаги пациентларда хусусиятлари

Кекса ёшдаги пациентлар

Клиник фармакологик ва биофармацевтик тадқиқотларда синалганларнинг ёши 19 дан 79 гача бўлган. Солифенацин+тамсулозин (6 мг/0,4 мг) қабул қилингандан кейин концентрациянинг энг юқори кўрсаткичлари кекса ёшли пациентларда кузатилган, лекин алоҳида кўрсаткичлар бўйича ёш пациентлар билан деярли тўлиқ мос келиши кузатилган. Бу 2-чи ва 3-чи фаза популяцион фармакокинетик таҳлили натижалари билан тасдиқланган. Солифенацин+тамсулозинни (6 мг/0,4 мг) кекса ёшдаги пациентлар қабул қилиши мумкин.

Бўйрак функциясининг бузилиши

Солифенацин+тамсулозинни (6 мг/0,4 мг) бўйрак функциясининг бузилиши енгил ва мўътадил кўринишда бўлган пациентлар қабул қилиши мумкин, лекин бўйрак функциясининг бузилиши оғир шаклда бўлган пациентлар препаратни эҳтиёткорлик билан қабул қилишлари лозим.

Солифенацин+тамсулозин (6 мг/0,4 мг) фармакокинетикаси бўйрак функциясининг бузилиши бўлган пациентларда ўрганилмаган.

Бўйрак функциясининг бузилишида қуйидаги маълумотлар алоҳида компонентлар бўйича мавжуд ахборотни акс эттиради.

Солифенацин

Бўйрак функциясининг бузилиши енгил ва мўътадил намойишда бўлган пациентларда солифенациннинг AUC ва C_{max} и соғлом кўнгиллиларникидан фарқ қилмаган. Оғир бўйрак етишмовчилиги бўлган пациентларда (креатинин клиренси ≤ 30 мл/минут) назорат гуруҳидаги пациентларга қараганда солифенациннинг таъсири анча кучли бўлган, шу ўринда C_{max} кўрсаткичи тахминан 30% га, AUC 100%дан ортиғига, $t_{1/2}$ эса 60% дан ортиғига ошиб кетган. Креатинин клиренси ва солифенацин клиренси орасида статик

аҳамиятли ўзаро алоқа кузатилган.

Гемодиализ олувчи пациентларда фармакокинетикаси ўрганилмаган.

Тамсулозин

Буйрак етишмовчилигининг энгил ва мўтадил яққол ифодаланган шакли бўлган ($30 \leq$ креатинин клиренси < 70 мл/минут/ $1,73 \text{ м}^2$) ёки оғир шакли бўлган (< 30 мл/минут/ $1,73 \text{ м}^2$) 6 нафар пациентларда ва соғлом бўлган 6 нафар пациентларда (креатинин клиренси > 90 мл/минут/ $1,73 \text{ м}^2$) тамсулозин фармакокинетикасининг қиёси ўтказилган. $\alpha 1$ -нордон гликопротеин билан боғланишининг ўзгариши натижасида қон плазмасида тамсулозин умумий концентрациясининг ўзгариши кузатилган бўлса ҳам, тамсулозин гидрохлориднинг боғланмаган (фаол) концентрацияси ҳамда шахсий клиренси нисбатан ўзгаришсиз қолган. Буйрак етишмовчилиги терминал босқичда бўлган пациентлар (креатинин клиренси < 10 мл/минут/ $1,73 \text{ м}^2$) ўрганилмаган.

Жигар функциясининг бузилиши

Жигар етишмовчилиги энгил ва мўтадил бўлган пациентлар солифенацин+тамсулозинни (6 мг/0,4 мг) қабул қилишлари мумкин, лекин оғир жигар етишмовчилиги бўлган пациентларга препаратни қабул қилиш мумкин эмас.

Жигар функциясининг бузилиши бўлган пациентларда солифенацин+тамсулозин (6 мг/0,4 мг) фармакокинетикаси ўрганилмаган.

Жигар функциясининг бузилишида қуйидаги маълумотлар алоҳида компонентлар бўйича мавжуд ахборотни акс эттиради.

Солифенацин

Жигар етишмовчилиги мўтадил бўлган пациентларда (Чайлд—Пью таснифи бўйича кўрсаткичи 7 дан 9 гача) Стах қиймати ўзгармаган, AUC 60% га ошган, $t_{1/2}$ эса икки баробарга ошган. Оғир жигар етишмовчилиги бўлган пациентларда солифенациннинг фармакокинетикаси ўрганилмаган.

Тамсулозин

Тамсулозиннинг фармакокинетикаси мўтадил жигар етишмовчилиги бўлган 8 нафар пациентларда (Чайлд-Пью таснифи бўйича 7 дан 9 гача) ва 8 нафар соғлом пациентларда таққосланган. $\alpha 1$ -нордон гликопротеин билан боғланишининг ўзгариши натижасида қон плазмасида тамсулозин умумий концентрациясининг ўзгариши кузатилган бўлса ҳам, тамсулозиннинг боғланмаган концентрацияси аҳамиятли ўзгармаган, фақатгина боғланмаган тамсулозин шахсий клиренсининг мўтадил (32%) ўзгариши кузатилган. Оғир жигар етишмовчилиги бўлган пациентларда тамсулозин ўрганилмаган.

Қўлланилиши

Дори препарати катта ёшлиларда қўлланилади:

- монотерапия билан даволашга лозим тарзда жавоб бермайдиган тўлдирилишнинг мўтадилдан оғиргача бўлган симптомларини (сийишга ўткир чакирув, юқори тез-тезликда сийиш) ва эркакларда простата безининг хавфсиз гиперплазияси (ПБХГ) билан боғлиқ бўлган сийиш симптомларини даволашда қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Катта ёшли, жумладан кекса ёшли эркаклар

Омаренс Дуал (6 мг/0,4 мг) битта таблеткаси овқат қабул қилишдан қатъи назар перорал равишда кунига бир марта қабул қилинади. Максимал кунлик дозаси - Омаренс Дуал (6 мг/0,4 мг) битта таблеткаси.

Юборилиш усули ва йўли

Ичга қабул қилиш учун. Таблеткани тишламасдан, чайнамасдан ва эзмасдан бутунлигича ютиш зарур.

Даволаш давомийлиги

Даволаш давомийлигини даволовчи шифокор томонидан белгиланади.

Ножўя таъсирлари

Солифинацин сукцинати/тамсулозин гидрохлориди

Тез-тез

- бош айланиши, чарчоқлик;
- хира кўриш;
- оғиз куриши, диспепсия, қабзият;
- эякуляцияни жумладан, ретроград эякуляцияни бузилиши ва эякуляцияни издан чиқиши.

Тез-тез эмас

- қичишиш;
- пешоб чиқарилишини тутилиши.

Солифенацин 5 мг ва 10 мг

Жуда тез-тез

- оғиз куриши.

Тез-тез

- хира кўриш;
- диспепсия, қабзият, кўнгил айнаши, қорин оғриши.

Тез-тез эмас

- сийдик чиқариш йўллари инфекцияси, цистит, сийиш қийинлашиши;
- уйқучанлик, дисгевзия, чарчоқлик, периферик шиш;
- кўзларнинг куриши, бурун шиллик қаватининг куриши, терининг куриши;
- гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги, томоқ куриши.

Кам ҳолларда

- бош айланиши, бош оғриғи;
- қусиш, ичакларнинг беркилиб қолиши, фекалома, сийдик тутилиши;
- қичишиш, тошма.

Жуда кам ҳолларда

- галлюцинациялар, онг чалкашлиги;
- эшакеми, ангионевротик шиш, кўп шаклли эритема.

Номаълум (мавжуд маълумотлар асосида аниқлаб бўлмади)

- анафилактик реакция, эксфолиатив дерматит;
- иштаха пасайиши, гиперкалиемиа;
- алахсираш, мушаклар ҳолсизлиги;
- глаукома;
- юрак уриши ҳисси, "пируэт" туридаги қоринчали тахикардия, электрокардиограммада QT оралиғини узайиши, милтилловчи аритмия, тахикардия;
- дисфония;
- илеус, қориндаги дискомфорт, жигар касалликлари, жигар фаолиятини бузилиши;
- буйрак етишмовчилиги.

Тамсулозин 0,4 мг

Тез-тез

- бош айланиши;
- эякуляцияни жумладан, ретроград эякуляцияни бузилиши ва эякуляцияни издан чиқиши.

Тез-тез эмас

- бош оғриғи, юрак уриши ҳисси, ортостатик гипотензия, астения, ринит;
- қабзият, кўнгил айнаши, диарея, қусиш;
- қичишиш, тошма, эшакеми.

Кам ҳолларда

- хушдан кетиш ҳолати;
- ангионевротик шиш.

Жуда кам ҳолларда

- Стивенс-Джонсон синдроми;

- приапизм.

Номаълум (мавжуд маълумотлар асосида аниқлаб бўлмайди)

- хира кўриш, бўшашган рангдор парданинг интраоперацион синдроми, кўриш қобилиятини бузилиши;
- милтилловчи аритмия, аритмия, тахикардия;
- ҳансираш, бурундан қон кетиши;
- кўп шакли эритема, эксфолиатив дерматит.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- таъсир этувчи модда(лар)га ёки ҳар қандай ёрдамчи моддага ўта юқори сезувчанлиги бўлган пациентлар;
- гемодиализ олаётган пациентлар;
- оғир жигар етишмовчилиги бўлган пациентлар;
- буйрак етишмовчилигининг оғир шакли бўлган ҳамда шунингдек, P450 (CYP) 3A4 цитохроми кучли ингибиторини, масалан, кетоконазолни қабул қиладиган пациентлар;
- жигар функцияси бузилишининг мўтадил шакли бўлган ҳамда шунингдек, CYP3A4 кучли ингибиторини, масалан, кетоконазолни қабул қиладиган пациентлар;
- меъда-ичак йўллариининг оғир касалликлари (жумладан, токсик мегаколон), гравис миастенияси ёки тор бурчакли глаукомаси бўлган пациентлар ҳамда кўрсатилган касалликларнинг ривожланиш хавфи бўлган пациентлар;
- анамнезда ортостатик гипотензияси бўлган пациентлар;
- 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Антихолинергик хусусиятлари бўлган ҳар қандай дори воситаларни бир вақтда қабул қилиш янада яққол намоёишли терапевтик таъсирга ва ножўя самараларга олиб келиши мумкин. Омаренс Дуал препарати билан даволаш тўхтатилгандан кейин ҳар қандай антихолинергик препарат билан даволашни бошлашдан олдин тахминан бир ҳафта кутиб туриш зарур. Холинергик рецепторлар агонистлари билан бир вақтнинг ўзида қабул қилинишида солифенациннинг терапевтик самараси пасайиши мумкин.

Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири

Кетоконазол, ритонавир, нелфинавир ва итраконазол каби препаратлар билан бир вақтда қўлланилиши солифенацинни ҳам, тамсулозинни ҳам таъсирини кучайишига олиб келиши мумкинлиги туфайли, бундай мажмуа буюрилган тақдирда, Омаренс Дуални эҳтиёткорлик билан қўллаш зарур.

Омаренс Дуал верапамил билан бир вақтда қўлланилганда тамсулозиннинг таъсири кучайиши мумкин, шунинг учун бундай мажмуани қўлашда эҳтиёт бўлиш зарур.

Тамсулозинни циметадин билан бир вақтда қўлланилиши тамсулозин таъсирини кучайишига олиб келмаган, шунинг учун мазкур мажмуада Омаренс Дуални бир вақтда қўллашга рухсат этилади.

Тамсулозинни пароксетин билан бир вақтда қўлланилиши тамсулозин таъсирини кучайишига олиб келмаган, шунинг учун мазкур мажмуада Омаренс Дуални бир вақтда қўллашга рухсат этилади.

Плазмада солифенацин ва тамсулозин концентрациясини пасайтириши (таъсирини бўшаштириши) мумкин бўлган бошқа препаратлар (масалан, рифампицин) билан ўзаро дорили таъсир қилиши мумкин.

Ўзаро таъсирларнинг бошқа кўринишлари

Солифенацин

- Солифенацин меъда-ичак йўллари моторикасини рағбатлантирувчи метоклопрамид ва цизаприд каби дори препаратларининг таъсирини пасайтириши мумкин.
- Солифенациннинг *in-vitro* шароитлардаги тадқиқотлари терапевтик концентрацияларда солифенацин CYP1A1/2, 2B6, 2C8, 2C9, 2C19, 2D6, 2E1 ёки 3A4 ни ингибиция

қилмаслигини кўрсатди. Демак, солифенацин ва ушбу СYP ферментлари томонидан метаболизмга учрайдиган дори препаратлари ўртасида ҳеч қандай ўзаро таъсир кутилмайди.

- Солифенацинни қабул қилиш R-варфарин ёки S-варфариннинг таъсирини ёки уларнинг протромбин вақтга бўлган таъсирини ўзгартирмаган.

- Солифенацинни қабул қилиш дигоксиннинг таъсирига таъсир кўрсатмаган.

Тамсулозин

- Бошқа α 1-адреноблокаторларни бир вақтда буюрилиши артериал босимнинг яққол пасайишига олиб келиши мумкин.

- Тадқиқотлар диазепам, пропранолол, трихлорметиазид, хлормадион, амитриптилин, диклофенак, глибенкламид, симвастатин ёки варфарин қўлланилишида тамсулозин таъсирига таъсир йўқлигини кўрсатди. Тамсулозин диазепам, пропранолол, трихлорметиазид ёки хлормадионнинг таъсирига таъсир кўрсатмайди. Бироқ диклофенак ва варфарин тамсулозиннинг чиқарилиш тезлигини ошириши мумкин.

- Бир вақтда фуросемидни қабул қилиш плазмада тамсулозин даражасини пасайишига олиб келади, лекин даражаси меъёрий диапазон чегараларига қолганлиги сабабли, бир вақтда қўлланилишига йўл қўйилади.

- Тамсулозиннинг *in-vitro* шароитлардаги тадқиқотлари терапевтик концентрацияларда тамсулозин CYP1A2, 2C9, 2C19, 2D6, 2E1 ёки 3A4 ни ингибция қилмаслигини кўрсатди. Демак, тамсулозин ва ушбу СYP ферментлари томонидан метаболизмга учрайдиган дори препаратларининг ўртасида ҳеч қандай ўзаро таъсири кутилмайди.

- Тамсулозин атенолол аналаприл ёки теofilлин билан бир вақтда қўлланилганда ўзаро таъсири қайд этилмаган.

Махсус кўрсатмалар

Жигар етишмовчилиги бўлган пациентлар: Омаренс Дуалнинг таъсирига жигар функцияси бузилишининг таъсири ўрганилмаган. Бироқ, ҳар бир алоҳида фаол модданинг таъсири жуда яхши маълум. Жигар функциясининг бузилиши енгил даражада бўлганда Омаренс Дуал препаратини қабул қилиш мумкин. Жигар функциясининг мўътадил намойишли бузилишида препаратни эҳтиёткорлик билан қабул қилиш зарур, бундай ҳолатларда максимал кунлик дозаси - Омаренс Дуал (6 мг/0,4 мг) битта таблеткаси. Жигар функциясининг оғир бузилишида Омаренс Дуал препаратини қўллаш мумкин эмас.

Буйрак етишмовчилиги бўлган пациентлар: Омаренс Дуалнинг таъсирига буйрак функцияси бузилишининг таъсири ўрганилмаган. Бироқ, ҳар бир алоҳида фаол модданинг таъсири жуда яхши маълум. Буйрак функциясининг бузилиши енгил ва мўътадил намойишли бўлганда Омаренс Дуал препаратини қабул қилиш мумкин. Буйрак функциясининг бузилиши оғир шаклда бўлганда препаратни эҳтиёткорлик билан қабул қилиш зарур, бундай пациентлар учун максимал кунлик дозаси - Омаренс Дуал битта таблеткаси.

Айрим дори препаратлари билан бир вақтда қўлланилиши:

Омаренс Дуал препаратини верапамил, кетоконазол, ритонавир, нелфинавир, итраконазол каби препаратлар билан эҳтиёткорликда қабул қилиш лозим. Бундай ҳолатларда Омаренс Дуалнинг (6 мг/0,4 мг) максимал кунлик дозаси - 1 таблетка.

Қуйидаги касалликлари бўлган пациентларни даволашда Омаренс Дуални эҳтиёткорлик билан қўллаш лозим:

- буйрак етишмовчилиги

- сийдик тутилиши ривожланиши хавфи

- меъда-ичак йўллари ўтказилишини бузилиши билан касалликлар

- меъда-ичак йўллари моторикаси пасайиши хавфи

- диафрагма қизилўнгач тешиги чурраси/гастроэзофагеал рефлюкс ва (ёки) эзофагитни келтириб чиқариши ёки кучайтириши мумкин бўлган бисфосфонатлар каби дори воситалари билан бир вақтда қўлланилганда

- вегетатив невропатия.

Простатанинг хавфсиз гиперплазияси симптомларига ўхшаш симптомларни чақириши мумкин бўлган бошқа касалликлар борлигини истисно қилиш учун пациентни текширувдан ўтказиш зарур.

Омаренс Дуал препарати билан даволашни бошлашдан олдин тез-тез сийишнинг эҳтимолли бошқа сабабларини аниқлаш зарур (юрак етишмовчилиги ёки буйрак касалликлари). Сийдик йўллариининг яллиғланиш касалликлари борлигида тегишли антибактериал даволашни бошлаш зарур. QT оралиғини узайиши ва қонда калий даражасини пасайиши синдромлари каби хавф омиллари бўлган пациентларда даволаш даврида QT оралиғини узайиши ва "пируэт" каби қоринчали тахикардия кузатилган.

Солифенацин сукцинати ва тамсулозинни қабул қилаётган айрим пациентларда нафас йўллари ўтказувчанлигини бузилиши билан ангионевротик шиш ривожланиши ҳақида хабар берилган. Ангионевротик шиш ривожланган тақдирда Омаренс Дуални қабул қилишни тўхтатиб, уни қайта тикламаслик зарур. Тегишли даволашни ўтказиш ва (ёки) зарур чораларни кўриш лозим.

Тамсулозин билан даволашда, бошқа $\alpha 1$ -адреноблокаторларни қўллашдаги каби, алоҳида ҳолатларда артериал босимнинг пасайиши кузатилиши мумкин, у баъзида хушдан кетиш ҳолатига олиб келиши мумкин. Омаренс Дуал препарати билан даволашни бошлаётган пациентларни вертикал ҳолатда бўлганда артериал босим яққол пасайишининг биринчи симптомларида (бош айланиши, ҳолсизлик) ўтириш ёки ётиш кераклиги ва симптомлар йўқолиб кетмагунча турмаслик ҳақида огоҳлантириш керак.

Тамсулозин гидрохлоридини қабул қилаётган ёки олдин қабул қилган айрим пациентларда катаракта ёки глаукома сабабли жарроҳлик аралашувида бўшашган рангдор парданинг интраоперацион синдроми ривожланиши қайд этилган (тор қорачиғ синдроминанги варианты). Жарроҳлик пайтида ёки жарроҳликдан кейинги даврда бўшашган рангдор парданинг интраоперацион синдроми кўзлар томонидан асоратлар хавфини ошириши мумкин, шунинг учун катаракта ёки глаукомани жарроҳлик орқали даволаш режалаштирилган пациентларда Омаренс Дуал билан даволашни бошлаш тавсия этилмайди. Айрим маълумотларга кўра, катаракта ёки глаукома юзасидан жарроҳликдан 1-2 ҳафта олдин Омаренс Дуал билан даволашни бекор қилиш фойдали деб ҳисобланади, лекин даволашни бекор қилишдан якуний фойдаси аниқланмаган. Пациентларни жарроҳликдан олдин текшириш вақтида жарроҳ ва офтальмолог-шифокор жарроҳлик пайтида бўшашган рангдор парданинг интраоперацион синдроми ривожланиши эҳтимолини назорат қилишга зарур чораларни таъминлаш учун, катаракта ёки глаукома юзасидан жарроҳлик режалаштирилган пациент Омаренс Дуални қабул қилишини ёки қабул қилганлигини ҳисобга олишлари керак.

Эҳтимолли, дорили таъсири туфайли Омаренс Дуални кетоконазол ёки пароксетин каби препаратлар билан мажмуада қўлламаслик лозим.

Педиатрияда қўлланилиши

Омаренс Дуал препарати болалар ва ўсмирларни даволашда қўлланилмайди

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Ҳайвонларда ўтказилган солифенацин ёки тамсулозин тадқиқотларининг натижалари ҳомиладорлик ривожланиши мумкинлигига ва ҳомиланинг эрта эмбрионал ривожланишига зарарли таъсирини кўрсатмайди.

Тамсулозин билан қисқа муддатли ва узоқ клиник тадқиқотларида эякуляциянинг бузилиши кузатилган. Эякуляция бузилиши, ретроград эякуляция ва пострегистратсион даврда эякуляцияни бузилиши ҳақида хабар берилган. Омаренс Дуал аёлларда қўлланилмайди.

Фертилик

Омаренс Дуалнинг бола бўлиши қобилятига бўлган таъсири аниқланмаган.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилятига таъсири

Транспорт воситаларини бошқариш ёки механизмлар билан ишлаш қобилятига Омаренс

Дуал таъсирининг тадқиқотлари ўтказилмаган, лекин пациентларни бош айланиши, хира кўриш, чарчоқлик ва камдан-кам ҳолларда уйқучанлик ривожланиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш зарур, булар транспорт воситасини бошқаришда ёки механизмларни ишлатишда салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Дозани ошириб юборилиши

Симптомлари: Солифенацин ва тамсулозиннинг мажмуасини қўллашда дозани ошириб юбориш ўткир артериал гипотензия ривожланиши билан кучли антихолинергик таъсирга олиб келиши мумкин. Клиник тадқиқотлар пайтида тасодифан қабул қилинган юқори дозалар 126 мг солифенацин сукцинат ва 5,6 мг тамсулозин гидрохлоридига тўғри келган. Бу дозалар яхши кўтарилган, 16 кунлик даволаш давомида оғиз бўшлиғининг шиллик қаватининг ўртача қуруқлиги қайд этилган.

Даволаш: Солифенацин ва тамсулозин дозасини ошириб юборилганда, бемор фаол кўмирни қабул қилиши лозим.

Бошқа антихолинергик дори воситалр каби, солифенациннинг дозаси ошириб юборилганинг асоратлари қўйидагича даволаш мумкин:

Марказий нерв тизимида кучли антихолинергик таъсир, галлюцинациялар ёки бошқа оғир касалликлар: физостигмин ёки карбахол билан даволаш;

Тиришишлар ёки яққол таъсирчанлик: бензодиазепинлар билан даволаш;

Нафас етишмовчилиги: СУВ билан даволаш;

Тахикардия: зарур бўлганда, симптоматик даволаш; β -адренорецепторлар блокаторларини эҳтиёткорлик билан қўллаш зарур, чунки бир вақтдаги тамсулозин дозасининг ошириб юборилиши оғир гипотензияга олиб келиши мумкин.

Сийдикни ушланиб қолиши: катетеризация.

Бошқа антимускари воситалар билан қўлланилганидаги каби, доза ошириб юборилганида, Q-T интервалининг пролонгацияси пайдо бўлиши хавфи аниқланган беморларга алоҳида этибор қаратиш лозим (масалан, гипокалиемия, брадикардия, Q-T интервалини узайтирадиган дориларни бир вақтда қўллаш) ва олдиндан мавжуд бўлган юрак касалликлари. (масалан, миокард ишемияси, аритмия, юрак етишмовчилиги). Тамсулозин билан доза ошириб юборилишидаги ўткир гипотензияда, симптоматик даволаш керак. Тамсулозин оксиллар билан жуда яхши боғланилганлиги сабабли, гемодиализ кам самарали.

Чиқарилиш шакли

10 таблеткадан oPA-Al-PVC алюмин фольгали контурли уяли ўрамда.

3 та контур уяли ўрамдан тиббиётда қўлланилишига доир давлат ва рус тиллардаги йўриқнома билан бирга картон қутига жойлаштирилади.

Сақлаш шароитлари

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин!

Яроқлилик муддати

2 йил.

Яроқлилик муддати ўтгандан сўнг қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Савдо белгиси ва рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси

SPEY MEDICAL Ltd., Лондон, Буюк Британия

Ишлаб чиқарувчи

SYNTHON HISPANIA S.L., Барселона, Испания

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ва рақамли идентификацияга масъул ташкилот номи ва манзили:

"Ameliya Pharm Service" МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси, 100052, Тошкент ш., Оққўрғон кўч., 1.

Тел.: +998 78 150 50 81, +99878 150 50 82;

E-mail: ameliyapharm@gmail.com